

БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2015 йил 4 сентябрь • № 35 (1056)

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Аҳолининг санитария- эпидемиологик осойишталиги тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2015 йил 15 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2015 йил 6 августда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар бирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар – юкумли ва паразитар касалликлар пайдо бўлишининг ҳамда тарқалишининг олдини олишга ва уларни бартараф этишга қаратилган ташкилий, маъмурий, муҳандислик-техник, тиббий-санитария чора-тадбирлари ҳамда бошқа чора-тадбирлар;

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома-сида аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги – аҳоли соғлиғининг ҳолати бўлиб, бунда инсонга яшаш муҳити омилларининг зарарли таъсири мавжуд бўлмайди ва унинг ҳаёт фаолияти учун қулай шарт-шароитлар таъминланади;

давлат санитария назорати – аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларининг олдини олишга, уларни аниқлаш ва бартараф этишга доир фаолият;

инсоннинг яшаш муҳити – инсоннинг ҳаёт фаолияти шарт-шароитларини белгилайдиган объектлар, ҳодисалар ва атроф-муҳит омиллари мажмуи;

санитария-гигиена тад-

санитария-эпидемиологик вазият – аҳоли яшаётган муҳитининг ва соғлиғининг муайян ҳудуддаги, кўрсатилган аниқ вақтдаги ҳолати;

санитария-эпидемиология хизмати – аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи давлат санитария-эпидемиология назорати марказларини, орттирилган иммунитет танқислиги синдромига (ОИТСга) қарши курашиш марказларини, дезинфекция станцияларини, ўлат, карантин ва ўта хавfli инфекцияларни профилактика қилиш марказларини, илмий-тадқиқот муассасаларини ўз ичига олган ягона тизим;

чекловчи тадбирлар (карантин) – юкумли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган, хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг алоҳида тартиб-ни, аҳоли, транспорт воситалари, юklar ва (ёки) товарлар ҳаракатлишининг чекланишини назарда тутадиган маъмурий, тиббий-санитария чора-тадбирлари ва бошқа чора-тадбирлар;

юкумли ва паразитар касалликлар – инсонга у яшаётган муҳитнинг биологик омиллари таъсир кўрсатиши ҳамда касалликка чалинган инсондан ёки ҳайвондан соғлом инсонга касаллик юқиши мумкинлиги сабабли пайдо бўладиган ва тарқаладиган инсон касалликлари.

(Давоми 4-бетда).

ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНДИ



Зиё масканларида келажгимиз ворисларининг онгу қалби эзгу ахлоқий фазилатлар, Ватанга муҳаббат, аждодлар меросига садоқат, миллий урф-одат ва қадриятларимизга хурмат каби инсоний туй-

ғулар билан бойитилган Мустақиллик дарслари орқали янада мустақамланмоқда. Юртимизнинг барча таълим муассасаларида янги – 2015-2016 ўқув йили бошланди.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида таълим-тарбия, касб-хунар ўргатиш тизимлари тубдан ислоҳ қилинди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида мамлакатимиздаги барча мактабларда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди, юзлаб янги мактаблар бунёд этилди. Биргина 2015 йилги Инвестиция дастурига мувофиқ, 384 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шундан 29 таси янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, қолган мактабларда реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ушбу эзгу мақсадларга жами 341,8 миллиард сўм маблағ сарфланди.

2014-2015 ўқув йилида умумтаълим мактабларини тамомлаган 483 минг нафардан зиёд 9-синф битирувчилари мамлакатимиздаги 1555 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси, шу жумладан, 143 та академик лицей ва 1412 та касб-хунар коллежидаги илк таҳсилни бошладди. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатётган 76 та, шу жумладан, 20 та университет, 36 та институт, 2 та академия, 11 та филиал ҳамда 7 та чет эл олий таълим муассасаси филиалларида 57 907 нафар бакалавр, 5 минг на-

фар магистр ушбу ўқув йилида талабалик бахтига мушарраф бўлди.

Янги ўқув йилида ўқувчиларни дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш мақсадида 454 номдаги дарслик ва ўқув қўлланма чоп этилиб, жойларга етказилди. 1-синфга қабул қилинадиган ўқувчилар учун чет тили дарсликлари, машқ дафтарлари, ўқитувчилар учун методик қўлланма ва мультимедиа иловалари чоп этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, ўғил-қизларга билим масканига илк бор қадам қўйганданок хорижий тиллар ўқитилмоқда. Жорий ўқув йилида биринчи синфга қабул қилинадиган ўқувчилар учун жами 641,3 минг нусха чет тили дарслиги, иккинчи синфларга 591,9 минг дарслик ва машқ дафтари, учинчи синфлар учун 593 минг дарслик ва машқ дафтари, ўқитувчилар учун 62,6 минг нусха методик қўлланма ва мультимедиа иловалари чоп этилиб, мактабларга етказилди. Бу эртағамиз эгаларининг хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишини янада кучайтириб, пухта билим олишига замин яратади.

(Давоми 8-бетда).

Касаба уюшмалари ҳаётидан

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ҚАДРЛАНГАН ЮРТ

Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмасининг VIII қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлардаги касаба уюшма

қўмитаси раислари ҳамда масъул ташкилотчилари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг мутасадди раҳбарлари Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси раҳбарияти ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Кун тартибидан ўрин олган асосий масалалар бўйича маърузалар қилинди.

Қурултойни Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Фарҳоджон Хананияев кириш сўзи билан очиб, истиқлолимиз туфайли мамлакатимизда рўй бераётган оламшумул ўзгаришлар ҳамда инсон саломатлиги ва унинг манфаатлари йўлидаги самарали ишларга алоҳида урғу қаратди ва бу борада касаба уюшма кенгашида ҳам намунали ишлар олиб борилаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Лазиз Тўйчиев республикамиз тиббиёт тизимида эришилаётган барча ютуқларда кўп сонли тиббиёт ходимларининг меҳнати беқиёс эканлиги ва улар меҳнатини қўллаб-қувватлашда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгашининг алоҳида ўрни борлигини эътироф этди. Сўнгра Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Бахтиёр Маҳмадалиев федерациянинг асосий мақсади республикамизда иқтисодий, ижтимоий соҳаларда узоқни кўзлаб олиб борилаётган ислохотларни тўлалигича қўллаб-қувватлаган ҳолда аҳоли турмуш даражасини ошириш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини кучайтиришга эътибор қаратилаётганлигини таъкидлади. Шунингдек, мамлакатимизда олий мақсад – янги демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, озод ва обод ҳаёт қуриш ишларида ваколатлари доира-сида фаол иштирок этиш, касаба уюшмаларининг жамиятда тутган ўрни ва мавқеини янада ошириш, халқаро касаба уюшмалари ҳаракатига фаол интеграция қилиш, 2016-2020 йилларда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси фаолиятининг муҳим босқичини ташкил этишини айтди.

Кун тартибидан ўрин олган асосий масала, яъни "2010 йил август ойидан 2015 йил август ойигача олиб борилган фаолият тўғрисида республика кенгашининг ҳисоботи ва касаба уюшма аъзоларининг меҳнат ҳуқуқлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича келгусидаги стратегик йўналишлар тўғрисида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси Фарҳоджон Хананияев маъруза қилди. Маърузачи ҳисобот даври мобайнида жамиятимизда чуқур сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар юз берганлиги, мустаҳкам, барқарор бозор иқтисодиёти шакллантирилганлиги ва иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларида ислохотлар янада жадаллик билан олиб борилаётганлигини эътироф этди. Айниқса, халқимиз-

нинг турмуш тарзи йилдан-йилга ортиб бораётганлиги ҳамда муҳтарам Юртбошимиз томонидан оқилона олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат натижасида мамлакатимизда демократик фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг мустаҳкам пойдевори қўйилганлигини маърузачи ўз фикрларида баён қилди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон тараққиёти йўлида, ҳуқуқий демократик жамият қуришда ҳар бир фуқаро, ташкилот, жамоатчиликнинг ўз ўрни борлиги ва бу борада ҳамкорликдаги ишлар самараси кундан-кунга ошиб бораётганлигига эътибор қаратди. Шунингдек, маърузачи касаба уюшма ташкилотларининг асосий вазифалари аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳақ-ҳуқуқлари ва меҳнатини муҳофаза қилиш билан бирга, қонун устуворлигига эришишдан иборатлигини ва шу мақсадда тармоқ касаба уюшмалари ўз эътиборларини меҳнат қонунчилигига риоя қилинишига, тармоқ ходимларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирлар режаси ижросининг бажарилишини қаттиқ назоратга олиш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишига қаратишлари зарурлигига яна бир бор эътибор қаратди. Ф. Хананияев республика тиббиёт тизимида фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари ҳақ-ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, бунинг баробарида улар меҳнатини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишларга тўхталиб ўтди. Жумладан, кўплаб соҳа мутахассисларининг саломатлиги тикланди. Уларнинг фарзандларини соғломлаштириш учун имтиёзли йўлланмалар тақдим этилганлиги касаба уюшма тизимида ички туризм ривожлантирилганлиги, тармоқ касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан жамоа шартномаларини кириштириш орқали тиббиёт муассасалари ходимлари ва уларнинг оила аъзолари, олий ва ўрта махсус тиббий таълим муассасалари талабалари ва ўқувчилари, кам таъминланган оилалар учун Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Марғилон, Термиз, Шаҳрисабз ва Қарши каби тарихий шаҳарларга, ўз ҳудудларидаги тарихий қадим-жоларга, истиқлол йилларида барпо этилган бунёдкорлик мажмуаларига саёҳат уюштирилганлигини таъкидлаб ўтди. Шу билан бир қаторда маърузачи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфида бўлиб ўтаётган барча кўрик-танловлар, шунингдек, спорт мусобақаларида иштирок этган соҳа ходимларини рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганлигини баён этди. Бундан ташқари, истиқлол йилларида эришилган ютуқларни мустаҳкамлашга, халқнинг маданияти ва маънавиятини юксалтириш жараёнида кенг кўламдаги ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этаётган, меҳнаткашлар-

нинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, касаба уюшмалари нуфузини оширишга салмоқли ҳисса қўшаётган касаба уюшмалари ходимлари ва фаолларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш, рағбатлантириш мақсадида 2012 йилда Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори, анестезиология ва реаниматология кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Жўрабой Собиров ва Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши бош мутахассиси Ф. Тошкенбоевлар, 2013 йилда Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича масъул ташкилотчиси Л. Байбосинова ва марказий кенгаш бош мутахассиси М. Муртазоевалар, 2014 йилда Республика Кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Р. Абдалимова, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги "Санатор-курортлар бошқармаси" унитар корхонаси бошлиғи ўринбосари Н. Нурматовалар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг "ЕНТИРОМ" кўкрак нишони билан мукофотландилар. Шунингдек, давлатимиз мустақиллиги байрами арафасида ижтимоий шериклик тамойиллари ҳамда соғлиқни сақлаш тизимидаги самарали меҳнатлари учун Республика Кенгашининг тавсиясига асосан, Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси О. Нишонбоев Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг фахрий ёрлиғи, Республика Кенгаши раиси ўринбосари Г. Тўхтаева, Республика Кенгашининг Жиззах вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Х. Қодиров, Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси С. Сарқовалар "Соғлиқни сақлаш аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланганини маърузачи алоҳида таъкидлади.

Иккинчи масала юзасидан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси тафтиш комиссияси раиси Шаҳобиддин Деҳқонов сўзга чиқиб, кенгаш томонидан 2010 йил август ойидан 2015 йил август ойигача амалга оширилган ишларга тўхталиб, тафтиш даврида аниқланган қонунбузарликлар натижасида келиб чиққан хато ва камчиликларга катта эътироз билдириб, ўз маърузасига танқидий ёндашди.

Қурултой давомида навбатдаги масалалар бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси қурултойига делегатлар ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши таркибига вакиллар сайлаб олинди ва кун тартибидан кўрилган масалалар юзаси-



дан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмасининг ҳисоботи иштирокчилар томонидан ижо-

бий баҳоланиб, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раислигига Фарҳоджон Хананияев қайтадан сайланди.

Хулоса ўрнида айтишимиз жоизки, касаба уюшмалари қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш соҳасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларда фаол иштирок этишни ўзларининг асосий вазифаларидан бири, деб биладилар.

Ибодат СОАТОВА.

Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!

ҚАЛЬЛАРДА ЧЕКСИЗ ИФТИХОР

Юртимиз аҳли шу кеча-кундузда мустақиллигимизнинг 24 йиллигини кўтаринки кайфият билан нишонлаётгани боис, республикамиз бўйлаб байрам тадбирлари давом этмоқда. Қисқа муддат ичида мамлакатимизда мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилиб, истиқлолнинг ҳар бир йили тарих зарварақларида ўзига хос ўрин эгаллаб келмоқда.

Этирофлиси шундаки, йил давомида истиқлолимизни кўнглидагидек ўтказиш, нишонлаш ҳар бир қалбга ўзгача шуқуқ бағишлаб, жамоаларда байрам тадбирлари олиб борилади. Шундай экан, истиқлолимизнинг 24 йиллиги арафасида республика соғлиқни сақлаш тизимида ҳам турли тадбирларнинг ўтказилаётганлиги инсон саломатлиги ва турмуш фаровонлигига қаратилганлиги билан алоҳида ўринга эгадир. Айниқса, бир неча йиллардан буён Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остидаги тиббий кўрикларнинг давомийлиги аҳоли саломатлигини муҳофазалашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундай нуфузли ижтимоий акциянинг республикамиз миқёсида олиб борилаётганлиги жамиятимизни янада юксалтиради, юртимизда соғлом муҳит барқарорлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остидаги ижтимоий акция пойтахтимиздаги 51-оилавий поликлиника ҳудудидаги «Янги ариқ» маҳалласида ташкил қилинди. Мазкур маҳаллада 3 минг 670 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ушбу тадбирнинг маҳалла гузарида ўтказилганлиги бежиз эмас. Бунда аҳолининг узоғи яқин бўлиши билан бирга, кекса отахону онахонларимиз учун гузарда тиббий кўрик ўтказиш қулайлик туғдирди.

– Бўлиб ўтган ижтимоий акцияда оилавий поликлиникамиздан кардиолог, невропатолог, окулист, ЛОР, дерматовенеролог, гинеколог, травматолог, хирург, умумий амалиёт шифокорлари иштирок этиб, ҳудуд аҳолисини тиббий кўрик-

тиббий ходимлари ва фуқаролар саломатлигини назорат қилишда ҳамда мавжуд муаммоларни ҳам ҳал этишди. Бунинг баробарида сектор аъзолари ҳамкорликда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ва саломатлик кўрсаткичларини яхшилашда соғлом турмуш тарзига ҳам катта эътибор қаратиб келмоқдалар. «Янги ариқ» маҳалла гузарида ташкил этилган тиббий кўрикда меҳнат фахрийлари, ногиронлар, оналар ва болалар саломатлиги чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, саломатлигида ўзгариши бор фуқароларга пойтахтимиздаги клиника ҳамда санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар ажратилган бўлса, айримларига эса керакли маслаҳат ва тавсиялар берилди. Шу куни соҳа мутахассислари келишга имконияти бўлмаган айрим фуқароларнинг уйларида бўлиши, хонадоннинг ўзида амалий ёрдам кўрсатишди. Бу каби хайрли тадбирларнинг ўтказилиб борилаётганлиги, албатта, халқимизга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Ана шундай кенг аудиториядаги эзгу ниятли ишлар Юртбошимиз томонидан тиббий соҳасига оид чиқарилаётган фармон ва қарорларнинг амалдаги иж-

Буларнинг барчаси муҳтарам Президентимизнинг ўз халқига бўлган юксак эътиборидир. Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан ҳар йилга ўзига хос ном берилаётганлиги, инсон саломатлиги ва унинг манфаатларига жиддий эътибор қаратаётганлигига барчамиз гувоҳ бўлиб келмоқдамиз. Жумладан, 2015 йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинган биз каби пири бадавлат отахону онахонларни янада хурсанд қилди. Куни кеча «Янги ариқ» маҳалла гузаримизда Юнусобод туманидаги 51-оилавий поликлиника шифокорлари томонидан ўтказилган тиббий кўрик ҳудудимизда истиқомат қилаётган кексаларимиз-



дан ўтказишди. Кўрикда асосан, умумий қон таҳлили, ЭГК ва УТД текширувлари тажрибали тиббий ходимлари томонидан амалга оширилди. Шунингдек, «Янги ариқ» маҳалласида шифокор ва ҳамширалар ҳамда маҳалла фаоллари билан «Саломатлик сектори» ташкил этилган. Унинг аъзолари ҳафтанинг ҳар бир куни учун масъулият билан ёндашган ҳолда

росидир, – дейди Юнусобод туманидаги 51-оилавий поликлиника бош шифокори Гўзал Қодирова.

– Истиқлолимиз туфайли юртимизда катта ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бир-бирдан қолишмайдиган осмонўпар бинолар, гўзал хиёбонлар, равон йўллар, кўкка отилувчи фаввораларни кўрганда ҳар бир киши завқланади.

га ҳурмат-эътибор кўрсатиш ва қадрлашнинг бир кўриниши бўлди. Тажрибали шифокорлар хонадонларда бўлиб, жойида даво муолажалари ўтказиш, керакли тавсия ва маслаҳатларни бердилар. Шу боис, 51-оилавий поликлиника бош шифокори Гўзал Қодирова ҳамда унинг жамоасига ўз мамнунлигимизни билдирамиз, – дейди биринчи гуруҳ ногирони Ширин Маҳмудова.

– Биз учун олий бахт бўлган мустақиллигимиз туфайли инсон манфаатлари йўлидаги ишлар кўлами кенгайиб бораётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Этирофлиси шундаки, Юртбошимизнинг оқилона сиёсати туфайли ҳамма соҳаларда катта ислохотлар бошланиб, амалда буларнинг ижобий натижасини кўраёпмиз. Шу ўринда таъкидлашим жоизки, давлатимиз томонидан маҳалла фуқаролари йигинларига катта ишонч билдирилганлиги, бу албатта, халқимизнинг бугуни ва эртасини белгилаб берувчи келажагига масъул эканлигимизни кўрсатиб турибди. Аввало, инсон саломат бўлсагина, жамият ривожланади.

Шундай экан, бир неча йилдирки, ҳудудимиздаги 51-оилавий поликлиника жамоаси билан ҳамкорликда ишлаб келмоқдамиз. Фуқаролар йигини раиси сифатида айтмоқчиманки, оилавий поликлиника билан ҳамкорликда олиб бораётган ишларимиздан жуда хурсандман. Чунки улар билан хонадонларга ташриф буюрганамизда, оила аъзоларининг нафақат саломатлиги, балки уларнинг бизга боғлиқ муаммоларини ҳам биргаликда ҳал қилмоқдамиз. Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида 51-оилавий поликлиника томонидан «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида ўтказилган тиббий кўрик маҳалламиз аҳлини ниҳоятда хурсанд қилди, – дейди «Янги ариқ» маҳалла фуқаролар йигини раиси Собир Султонов.

– Кейинги йилларда тиббий тизимига берилаётган эътибор ва талаб биз каби умумий амалиёт шифокорларини янада масъулият билан ишлашга ундайди. Таъкидлашим муҳимки, давлатимиз томонидан бирламчи тизим фаолияти юқори босқичга кўтарилганлиги боис, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ошиши билан бирга, касалликни эрта аниқлаш ва олдини олиш, шунингдек, фуқароларнинг ўз соғлигига бераётган эътибори ниҳоятда катта бўлмоқда. Мазкур фаолиятлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилаётган саломатлик ҳафталиклари доирасидаги чуқурлаштирилган тиббий кўрикларнинг мунтазамлиги аҳоли орасида касаллик кўрсат-

кичлари камайишига олиб келаётганлиги, хонадонларга чуқур кириб боришимиз, оиладаги нафақат биргина беморнинг аҳволи, балки барча оила аъзоларининг саломатлиги учун жавобгар эканлигимизни ҳис қилган ҳолда фаолиятларимизга жиддий ёндашиб келмоқдамиз. Юқорида таъкидлаганимдек, чуқурлаштирилган тиббий кўриклар орасида «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остидаги ижтимоий акциянинг республикамиз бўйлаб ўтказилаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу тўғридаги хабарларнинг оммавий ахборот воситаларида намойиш этилаётганлиги аҳолини ушбу акцияда фаол иштирок этишга ундамоқда. Айниқса, мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳолининг ҳам ана шундай тадбирларда иштирок этаётганлиги, уларнинг саломатликларига бўлган эътиборидир. Поликлиникамиз ҳудудидаги «Янги ариқ» маҳалла гузарида бўлиб ўтган байрамолди тиббий кўрикда ҳам ҳудудда истиқомат қилаётган барча аҳоли кенг қатламлари фаол иштирок этди. Мен бундан жуда хурсанд бўлдим. Сабаби, халқимизнинг тиббий маданияти ошганлиги, касалликлар тўғрисида чуқур маълумотга эга эканликлари тиббий кўрик жараёнида маълум бўлди. Қабулимда бўлган барча фуқароларнинг соғлиги бўйича муҳим маслаҳатлар бериш билан бирга, керакли даво муолажаларини ҳам тавсия қилдим, – дейди поликлиниканинг умумий амалиёт шифокори Наргиза Абдужабборова.

Бўлиб ўтган мазкур тадбирда умумий амалиёт шифокорларидан Наргиза Абдужабборова, Гулҳеҳра Иброҳимова, патронаж ҳамширалардан Моҳира Умурзоқова, Муҳайё Маннопхўжаева, шунингдек, бир қанча тиббий ходимлари меҳнатидан тиббий кўрикда иштирок этиб, ўз саломатликлари бўйича зарурий маслаҳатларни олган «Янги ариқ» маҳалласида истиқомат қилаётган аҳоли миннатдор бўлди. Бундан ташқари, поликлиника шифокори Матфуа Абдусатторова барчага шифобахш гиёҳлар билан даволаш тўғрисида маъруза қилиб, унинг инсон саломатлиги учун нечоғлик муҳим эканлигини таъкидлаб ўтди.

Хулоса ўрнида йтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан аъёнага айланган бу каби тадбирларнинг аудиторияси ниҳоятда кенг бўлиб, унинг бардавом бўлишини талаб қоламиз.

Ибодат СОАТОВА.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида

2-боб. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

4-модда. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

санитария-гигиена тадбирларини ва эпидемияга қарши тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

давлат томонидан санитария-эпидемиология нормаларининг жорий этилиши;

аҳолининг санитария маданияти даражасини ошириш; давлат санитария назоратини амалга ошириш;

халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

5-модда. Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари

Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари давлат органлари ҳамда бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилиши шарт бўлган аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги талабларни белгиладиган ҳужжатлардир.

Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари томонидан тасдиқланади ҳамда агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилган бўлмаса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлдан киради.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасида ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва амалга оширади;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

7-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда ўз ваколатлари доирасида иштирок этади;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳудудий дастурларни тасдиқлайди ва амалга оширади;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари тегишли ҳудудий

бўлимларининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради; ҳудудларнинг санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилашга ва тозаланини сақлашга, аҳолининг санитария маданияти даражасини оширишга доир чора-тадбирларни амалга оширади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлар

Давлат санитария назорати:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати республика маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ҳамда шаҳарлар давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ички ишлар вазирлигининг, Миллий хавфсизлик хизматининг, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг тегишли таркибий бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Давлат санитария назорати:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиладиган бошқа вазирликлар ва идораларнинг тегишли таркибий бўлимлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати республика маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари ушбу модданинг биринчи қисми учинчи хатбошисида ҳамда иккинчи қисмида кўрсатилган таркибий бўлимларнинг фаолиятига услубий раҳбарлик қилинишини, бу фаолият мувофиқлаштириб борилишини таъминлайди.

9-модда. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар

Давлат санитария назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш:

Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар бош давлат санитария врачларининг, улар ўринбосарларининг;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ички ишлар вазирлигининг, Миллий хавфсизлик хизматининг, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг тегишли таркибий бўлимлари раҳбарларининг;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мансабдор шахсларнинг зиммасига юклатилади.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари:

санитария-эпидемиология хизматида раҳбарлик қилади, давлат санитария назоратининг асосий вазифаларини ва уни амалга оширишнинг устувор йўналишларини белгилайди;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини тасдиқлайди;

атроф-муҳит омилларининг инсон организмига таъсирини аниқлашга доир норматив-тех-

ник ҳужжатларни тасдиқлайди; Профилактик эмлашларнинг миллий тақвimini ва эпидемик кўрсаткичлар бўйича профилактик эмлашлар ўтказиш тартибин тасдиқлайди;

одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлган, аҳолининг яшashi ва ҳўжалик фаолияти билан шугулланиш тақиқланadиган ҳудудларни белгилайди;

юқумли ва паразитар касалликларнинг кириб келиши ҳамда тарқалишидан ҳудудларни санитария жиҳатидан муҳофаза қилишга доир тадбирларни мувофиқлаштириб боради;

атрофдагилар учун хавф тугдирувчи юқумли ва паразитар касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши хавфи бўлган тақдирда тегишли санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар ўтказиш тўғрисида қарорлар чикаради;

янги озик-овқат қўшимчаларини, махсус қўшиладиган биологик фаол моддаларни, кимёвий моддаларни, биологик воситалар ва материалларни, полимер ва пластик массаларни, атир-упа ва пардоз махсулотларини токсикология-гигиена жиҳатидан баҳолаш асосида уларнинг Ўзбекистон Республикасига олиб кирилиши ва ишлаб чиқарилиши учун рухсатномалар беради;

республика ва маҳаллий эпидемия фондларидан ҳамда санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар учун ажратилadиган моддий-техника ресурсларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади;

санитария-эпидемиология хизмати муассасаларининг қарорларига, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) доир шикоятларни кўриб чиқади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат санитария врачларини тайинлайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

11-модда. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар бош давлат санитария врачларининг ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар бош давлат санитария врачлари:

ўз бўйсунувидagi санитария-эпидемиология хизмати муассасаларига раҳбарлик қилади; объектларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари бўйича ҳулосалар беради;

одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli бўлган, аҳолининг яшashi ва ҳўжалик фаолияти билан шугулланиш тақиқланadиган ҳудудларни белгилайди;

юқумли ва паразитар касалликларнинг кириб келиши ҳамда тарқалишидан тегишли ҳудудни санитария жиҳатидан муҳофаза қилишга доир тадбирларни ўтказди;

авария ҳолатларини ҳамда юқумли ва паразитар касалликлар авж олишини бартараф этиш пайтида санитария-гигиена тадбирларини ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширади, шу жумладан, манфаатдор вазириклар ҳамда идоралар би-

лан биргалиқда амалга оширади; қонун ҳужжатларининг йўл қўйилган бузилишларини бартараф этиш юзасидан давлат органлари ва бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат санитария врачлари Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари билан келишган ҳолда туманлар ва шаҳарлар бош давлат санитария врачларини тайинлайди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар бош давлат санитария врачлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

12-модда. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари

Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларга ўз ваколатлари доирасида куйидаги ҳуқуқлар берилади:

а) санитария қоидаларининг, нормаларининг ва гигиена нормативларининг йўл қўйилган бузилишларини бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берган ҳолда, давлат органларидан ва бошқа органлардан, юридик ва жисмоний шахслардан уларнинг бартараф этилишини талаб қилиш;

б) объектларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларида санитария қоидаларига, нормаларига ва гигиена нормативларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

в) белгиланган тартибда давлат органларига ва бошқа органларга, юридик ва жисмоний шахсларга:

аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш лойиҳалари ҳамда объектларни жойлаштириш бўйича истиқбол режалари, шунингдек, корхоналарни, биноларни ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш лойиҳалари юзасидан;

қурилиш учун ер участкалари бериш, ҳўжалик ва маиший мақсадларда сувдан фойдаланиш жойларини ҳамда оқова сувларни тозаланганидан кейин уларни тушириб юбориш шартларини аниқлаш, заҳарли, кимёвий, радиоактив моддаларни ва бошқа моддаларни утилизация қилиш ҳамда кўмиб ташлаш масалалари бўйича;

иншоотларнинг, тураржойларнинг, даволаш-профилактика, таълим, маданият, спорт муассасаларининг ва бошқа муассасаларининг, ишлаб чиқариш бинолари ҳамда санитария-маиший биноларнинг, шунингдек, усқуналарнинг, транспорт воситаларининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқлиги тўғрисида;

таълим муассасаларида таълим олувчиларнинг ўқув юкламаси ва машғулотларининг намунавий тартиби тўғрисида тақдим этиладиган тақдимотлар бўйича ҳулосалар бериш;

г) санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бажарилишини назорат қилиш мақсадида юридик шахсларнинг ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг объектларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кириш;

д) иш берувчилардан:

санитария қоидаларини, нормаларини ва гигиена нормативларини, эпидемияга қарши тартибни мунтазам равишда бажармаётган ҳамда юқумли ва паразитар касалликлар тарқалиши хавфини тугдирувчи шахсларни ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини ва бажариладиган ишларнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ишдан четлаштиришни;

санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар ўтказилишини талаб қилиш;

е) озик-овқат махсулотларини, буюмлар, предметлар ва материалларни санитария-гигиена экспертизаси, лаборатория текширувлари учун олиш, бевосита объектларнинг ўзида зарур лаборатория ва жиҳозлар воситасида текширувлар ўтказиш;

ж) давлат санитария назоратини амалга оширишга вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг мутахассисларини, шунингдек, жамоатчилик вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш.

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиш тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачига, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар бош давлат санитария врачларига, уларнинг ўринбосарларига, ушбу Қонун 8-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошисида ва иккинчи қисмида кўрсатилган таркибий бўлимларнинг раҳбарларига ўз ваколатлари доирасида куйидаги ҳуқуқлар берилади:

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига жавоб бермайдиган ер участкалари ажратиш, уй-жой, жамоат, ишлаб чиқариш объектларини ва бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш, кенгайтиришга доир лойиҳалар ҳамда лойиҳа ҳужжатларини рад этиш;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бузилишлари бартараф этилунига қадар, ишлаб турган иншоотлардан, тураржойлардан, ишлаб чиқариш объектларидан, маданий-маиший бинолардан фойдаланишни, умумий овқатланиш ва савдо корхоналарининг, таълим, даволаш-профилактика, санаторий-курорт муассасаларининг ва бошқа муассасаларининг фаолиятини тўхтатиб туриш, усқуналарни, асбобларни ишлаштириш, транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлаш;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари бузилган ҳолларда аҳоли пунктлари, бинолар ва иншоотлар қурилишини, реконструкция қилишини ҳамда мазкур объектларда ишларнинг айрим турлари бажарилишини тўхтатиб туриш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида рўйхатдан ўтказилмаган ёки одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавfli деб топилган янги хом ашё турлари, кимёвий воситалар, технология усқуналари, жараёнлари ҳамда асбоблари, озик-овқат хом ашёси ва озик-овқат махсулотлари, саноат буюмлари, қурилиш материаллари, ионлаштирувчи нурланиш

(Давоми 5-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг Қ О Н У Н И

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида

манбалари, биологик воситалар, озик-овқат хом ашёсига, озик-овқат маҳсулотларига ҳамда дори воситаларига ишлатилган идишлар, пластик, полимер материаллар ва бошқа материаллар, улардан тайёрланган буюмлар ҳамда бошқа халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилишини, қўлланилишини ва реализация қилинишини тақиқлаш;

одамларнинг соғлиғига зарarli таъсир пайдо бўлган тақдирда, хўжалик ва ичимлик суви билан таъминлаш амалиётида, озик-овқат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳамда чорванинг ривожини тезлаштирувчи ва тартибга солувчи воситаларни, пестицидлар, атир-упа ҳамда пардоз маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва уларни қайта ишлашда фойдаланиладиган кимёвий моддалар, восита ва усулларнинг, бу моддалар, восита ва усулларнинг хавфсизлиги тўғрисида ишлаб чиқувчи илмий жиҳатдан асосланган маълумотлар тақдим этгунига қадар қўлланилишини тақиқлаш;

хўжалик ва ичимлик суви таъминоти учун қўллашга яроқсиз деб топилган сувдан фойдаланишни тақиқлаш;

юкумли ва паразитар касалликлар манбаи бўлган, шунингдек, тиббий кўриклардан ўз вақтида ўтмаган шахсларни вақтинча ишдан четлаштириш тўғрисида иш берувчиларга тақлифлар киритиш;

фавқуллодда вазиятларнинг, эпидемияларнинг ҳамда аҳоли ҳаётига ва соғлиғига бошқа ҳақиқий хавфнинг олдини олиш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ва тақиқлаш.

Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13-модда. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари

Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар:

давлат органлари ва бошқа органлар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги таъминлини устидан белгиланган тартибда назорат олиб бориши;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларининг олдини олиши, уларни аниқлаш ва бартараф этиши;

аниқланган хавфлар тўғрисида аҳолини ўз вақтида хабардор қилиши;

юкумли касалликларнинг ва юкумли бўлмаган оммавий касалликларнинг пайдо бўлиши, тарқалиши сабаблари ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш; жисмоний ва юридик шахсларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги амсаларни бўйича муурожаатларини кўриб чиқиши ҳамда тегишли чора-тадбирлар кўриши;

санитария-эпидемиологик вазият ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш юзасидан кўриладиган чора-тадбирлар тўғрисида

юрдик ва жисмоний шахсларни хабардор қилиши шарт.

Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

14-модда. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат ноτιжорат ташкилотларининг иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади; санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширишда кўмаклашадди;

тегишли ҳудудда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги тадбирларнинг амалга оширилиши, ҳовли ва уй атрофи ҳудудларидаги қурилишлар ҳамда ҳовли ва уй атрофи ҳудудларини сақлаш қоидаларига риоя этилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида тегишли ҳудудда яшовчиларнинг ихтиёрий асосда иштирок этишини ташкил этади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

Нодавлат ноτιжорат ташкилотлари аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда иштирок этувчи давлат органлари ва бошқа органларга кўмаклашиши ҳамда зарур ёрдам кўрсатиши мумкин.

3-боб. Юридик ва жисмоний шахсларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

15-модда. Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқлари

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар:

давлат бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, шунингдек, давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлардан санитария-эпидемиологик вазият ҳамда инсоннинг яшаш муҳити ҳолати тўғрисида ахборот олиш; давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини яхшилаш бўйича тақлифлар киритиш; фуқаролар, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши оқибатида, шунингдек, санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш пайтида ўзларининг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда қопланиши;

давлат санитария назоратини

амалга оширувчи органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органларга ёки мансабдор шахсларга ёхуд судга белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16-модда. Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги мажбуриятлари

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар:

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек, давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг қарорлари ва кўрсатмалари талабларини бажариши;

юкумли ва паразитар касалликлар пайдо бўлган тақдирда уларни бартараф этиш мақсадида санитария-гигиена тадбирларини ва эпидемияга қарши тадбирларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириши;

ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ҳамда аҳолига реализация қилиш пайтида маҳсулотнинг, шунингдек, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг хавфсизлигини таъминлаши; маҳсулотни ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва аҳолига реализация қилиш, ишларни бажариш ҳамда хизматларни кўрсатиш пайтида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигига таҳдид оловчи авария вазиятлари, технологик жараёнларнинг бузилишлари тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, давлат санитария назоратини амалга оширувчи органларга ишончли ахборот тақдим этиши шарт.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

17-модда. Фуқароларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Фуқаролар:

қулай яшаш муҳити; давлат бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, шунингдек, давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлардан санитария-эпидемиологик вазият ва инсоннинг яшаш муҳити ҳолати тўғрисида ахборот олиш;

юрдик шахслардан ва якка тартибдаги тадбиркорлардан маҳсулотнинг, шунингдек, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг хавфсизлиги ҳамда сифати тўғрисида ахборот олиш;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини яхшилаш бўйича тақлифлар киритиш;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари оқибатида ўз соғлиғига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши ҳуқуқига эга.

Фуқаролар аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши ҳамда бошқа фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ва қулай яшаш

муҳитига бўлган ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлувчи ҳаракатларга йўл қўймаклиги шарт.

Фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

4-боб. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда доир талаблар

18-модда. Норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқишга доир талаблар

Норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқаётган юридик ва жисмоний шахслар аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши шарт.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар янги кимёвий моддалар ва биологик воситаларни, ионлаштирувчи нурланиш манбаларини ҳамда таркибида шу манбалар мавжуд бўлган приборларни, материалларни, технологик жараёнларни, ускуналарни, атир-упа ва пардоз маҳсулотларини ҳамда бошқа халқ истеъмоли товарларини жорий этишдан олдин аҳолининг санитария-эпидемик хавфсизлигини таъминлашга доир нормативлар бўйича асослантирилган тақлифларни, ушбу нормативларга риоя этилиши устидан назорат қилиш услубларини, зарarli таъсир ва чиқиндиларни зарарсизлантириш, утилизация қилиш усулларини ишлаб чиқиш, уларни келишиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачига тақдим этиши шарт.

19-модда. Объектларни режалаштириш, лойиҳалаштириш ва қуришга, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга ҳамда ишга туширишга доир талаблар

Юридик ва жисмоний шахслар объектларни режалаштириш, лойиҳалаштириш ва қуриш, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда ишга тушириш пайтида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши шарт.

20-модда. Худудларни, иншоотларни, биноларни сақлашга, ускуналар ва транспорт воситаларидан фойдаланишга доир талаблар

Юридик ва жисмоний шахслар худудларнинг, иншоотларнинг, давлолаш-профилактика, таълим, маданият, спорт муассасалари ҳамда бошқа муассасалар биноларининг сақланишини, шунингдек, ускуналардан, транспорт воситаларидан фойдаланилишини санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ таъминлаш шарт.

21-модда. Кимёвий моддаларни, биологик воситаларни ва материалларни ташиш, сақлаш, қўллаш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш ҳамда кўмиб ташлаш пайтидаги талаблар

Юридик ва жисмоний шахслар кимёвий моддаларни, биологик воситаларни ва материалларни ташиш, сақлаш, қўллаш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш ҳамда кўмиб ташлаш пайтида аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш мақсадида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши шарт.

лари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши шарт.

Янги кимёвий моддаларни, биологик воситалар ва материалларни, полимер ва пластик массаларни, атир-упа ҳамда пардоз маҳсулотларини Ўзбекистон Республикасига олиб киришга ва ишлаб чиқаришга фақат токсикология-гигиена жиҳатидан баҳолангандан кейингина Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг рухсатномаси билан йўл қўйилади.

22-модда. Радиоактив моддалар ва бошқа ионлаштирувчи нурланиш манбалари билан ишлаш пайтидаги талаблар

Юридик ва жисмоний шахслар радиоактив моддаларни ҳамда бошқа ионлаштирувчи нурланиш манбаларини қазиб олиш, ишлаб чиқариш, ҳосил қилиш, қайта ишлаш, улардан фойдаланиш, уларни сақлаш, уларга хизмат кўрсатиш, уларни ташиш, зарарсизлантириш, утилизация қилиш ва кўмиб ташлаш пайтида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши шарт.

23-модда. Тураржойларга кўчиб киришга ва улардан фойдаланишга доир талаблар

Давлат ташкилотлари ва бошқа мулкдорлар томонидан берилётган тураржойлар санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ бўлиши керак.

Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига жавоб бермайдиган тураржойларда фуқароларнинг яшашига йўл қўйилмайди.

Яшовчилар ҳовли, уй атрофи худудларини сақлаш ва тураржойлардан фойдаланишнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган қоидаларини бажариши шарт.

24-модда. Озик-овқат хом ашёсига, озик-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқаришга, ташишга, сақлашга ва реализация қилишга доир талаблар

Озик-овқат хом ашёсини, озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши шарт.

Янги озик-овқат қўшимчаларини, махсус қўшилладиган биологик фаол моддаларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришга ва ишлаб чиқаришга фақат токсикология-гигиена жиҳатидан баҳолангандан кейингина Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг рухсатномаси билан йўл қўйилади.

25-модда. Хориждан олиб кирадиган маҳсулотни етказиб бериш ва реализация қилиш пайтидаги талаблар

Юридик ва жисмоний шахслар хориждан олиб кирадиган технологияларни, материалларни, хом ашёни ва маҳсулотни етказиб бериш, реализация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш пайтида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этиши шарт.

(Давоми 6-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг Қ О Н У Н И

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида

26-модда. Хўжалик ва ичимлик суви билан таъминлашга доир талаблар

Хўжалик ва ичимлик суви билан таъминлаш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар етказиб берилаётган сувнинг сифати санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, шунингдек давлат стандартларига мувофиқлигини таъминлаш шарт.

Марказлаштирилган тартибда хўжалик ва ичимлик суви етказиб бериладиган сув кувурлари ҳамда уларнинг манбалари учун махсус тартибли санитария муҳофазаси зоналари белгиланиб, улар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади.

Юридик ва жисмоний шахслар хўжалик ва маиший мақсадлар ҳамда марказлаштирилмаган тартибда сув билан таъминлаш учун фойдаланиладиган сув ҳавзаларидаги сувнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ бўлишини таъминлаш шарт.

27-модда. Таълим шарт-шароитларини тартибга солувчи санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилишига доир талаблар

Таълим муассасаларида тегишли санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилиши керак.

28-модда. Меҳнат шароитларида доир талаблар

Иш берувчилар ишлаб чиқариш биноларига ва санитария-маиший биноларга, ишлаб чиқариш жараёнларига, технология усуналарга, иш жойларининг ташкил этилишига, ходимларнинг меҳнат қилиш, дам олиш тартибига ҳамда ходимларга маиший хизмат кўрсатилишига доир санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилиши шарт.

29-модда. Махсус экспертизалар ўтказиш

Аҳолининг аҳолида шахсларнинг соғлиғи ҳамда касалланиш ҳолатини махсус экспертиза қилишнинг санитария-гигиеник турлари ва бошқа турлари, шунингдек, лойиҳа ҳужжатларининг, техник ҳужжатларнинг ҳамда бошқа ҳужжатларнинг, ускуналарнинг, асбоблар ҳамда аппаратларнинг, кимёвий моддаларнинг, турли бирикмаларнинг, материаллар ва муҳитларнинг, озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларининг, санюат буюмларининг, радиоактив материалларнинг, радиациявий техниканинг экспертизалари давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлар, санитария-эпидемиология хизмати муассасалари, илмий-тадқиқот, олий таълим муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан буюртмачининг маблағлари ҳисобидан ўтказилади.

Махсус экспертизаларни ўтказиш тартиби, буюртмачларнинг, эксперт муассасаларининг ҳамда экспертларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

5-боб. Санитария-гигиена тадбирларини ва эпидемияга қарши тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш

30-модда. Санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар

Санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг санитария муҳофазаси;

юқумли ва паразитар касалликлар ўчоқларида ўтказиладиган чора-тадбирлар;

профилактик эмлашлар ўтказиш;

дезинфекция тадбирлари; мажбурий тиббий кўриклар; фуқароларни гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш.

Санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

31-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг санитария муҳофазаси

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг санитария муҳофазаси – бу аҳоли учун хавф туғдирувчи юқумли ва паразитар касалликларнинг кириб келиши ҳамда тарқалишининг олдини олишга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига инсон учун хавф туғдирувчи товарлар, кимёвий, биологик ва радиоактив моддалар ҳамда юқлар олиб кирилишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар мажмуидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг санитария муҳофазаси санитария-карантин назоратини амалга ошириш ва чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этиш йўли билан таъминланади. Санитария-карантин назорати давлат санитария назоратини амалга оширувчи тегишли органлар томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтиш пунктларида амалга оширилади.

Юқумли ва паразитар касалликларнинг пайдо бўлиш ёки тарқалиш хавфи юзага келган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар бош давлат санитария врачларининг, улар ўринбосарларининг тақдимомасига кўра, тегишли ҳудудларда ёки объектларда белгиланган тартибда чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этиш мумкин.

Чекловчи тадбирлар (карантин) ўтказиш тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг санитария муҳофазаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирлар билан ҳам таъминланиши мумкин.

32-модда. Юқумли ва паразитар касалликлар ўчоқларида ўтказиладиган чора-тадбирлар

Юқумли ва паразитар касалликлар ўчоқларида даволаш-профилактика ҳамда санитария-эпидемиология хизмати муассасалари томонидан қуйидагиларга қаратилган чора-тадбирлар белгиланган тартибда ўтказилади:

юқумли ва паразитар касал,

деб гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш, ажратиб қўйиш ва касалхонага ётқизишга, шунингдек, улар билан мулоқотда бўлган шахсларни лаборатория текширувидан ўтказишга ва уларнинг тиббий кузатувини олиб боришга;

юқумли ва паразитар касалликларнинг юқиш йўллари ва омилларини аниқлаш ҳамда уларнинг инсонга таъсир кўрсатишининг олдини олишга.

33-модда. Профилактик эмлашлар ўтказиш

Профилактик эмлашлар юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида ўтказилади.

Профилактик эмлашлар миллий тақвимига мувофиқ, шунингдек, эпидемик кўрсаткичлар бўйича ўтказилади.

Профилактик эмлашларнинг миллий тақвими профилактик эмлашлардан ўтказилиши лозим бўлган шахслар гуруҳини, бундай эмлашларни ўтказиш тартиби ва муддатларини белгилайди.

Профилактик эмлашларнинг миллий тақвими ва эпидемик кўрсаткичлар бўйича профилактик эмлашлар ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари томонидан тасдиқланади.

34-модда. Дезинфекция тадбирлари

Юқумли ва паразитар касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олиш, уларнинг доирасини камайтириш ҳамда уларни бартараф этиш мақсадида:

эпидемик кўрсаткичлар бўйича дезинфекция тадбирлари – давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлар томонидан;

профилактик дезинфекция тадбирлари – юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган шартномалар асосида дезинфекция станциялари томонидан ўтказилади.

35-модда. Мажбурий тиббий кўриклар

Юқумли ва паразитар касалликлар пайдо бўлишининг ҳамда тарқалишининг олдини олиш, шунингдек, касб фаолиятига оид касалликларнинг олдини олиш мақсадида бир қатор касб ва ишлаб чиқариш тармоқларининг ходимлари ишга кириш пайтида дастлабки мажбурий тиббий кўриклар ҳамда кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўриклардан ўтиб боради.

Ходимлари мажбурий тиббий кўриклардан ўтказилиши лозим бўлган касбларнинг ва ишлаб чиқаришларнинг рўйхати, бундай кўрикларни ўтказиш тартиби ва муддатлари олдиндан Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси хабардор қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

36-модда. Фуқароларни гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш

Фуқароларни гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш уларнинг гигиенага, соғлом турмуш тарзига, соғлиқни сақлашга доир билимлар, кўникмалар ҳамда малакаларни эгаллашига қаратилади ва касалликларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилади.

Фуқароларни гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш белгиланган тартибда:

таълим муассасаларида; фаолияти озиқ-овқат хом ашёсини, озиқ-овқат маҳсулотларини ва ичимлик сувини ишлаб чи-

қариш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш, болаларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш, аҳолига коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган кадрларга ишлашга ижозат бериш олдиндан, ушбу кадрларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш пайтида ўтказилади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

37-модда. Давлат санитария назоратини амалга ошириш бўйича фаолиятга аралашшига йўл қўйилмаслиги

Давлат санитария назоратини амалга оширувчи органларнинг фаолиятига аралаштириш, давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларга уларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш мақсадида қандай шаклда бўлмасин, таъсир кўрсатиш тақиқланади.

38-модда. Низоларни ҳал этиш

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

39-модда. Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

40-модда. Айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги 657-ХII сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 355-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга киритиш тартиби ҳақида”ги 658-ХII сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 356-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 6 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 70-1 сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6,-118-модда) X бўлими;

4) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 772-1 сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда) V бўлими;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатла-

рига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 125-II сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7-8, 217-модда) I бўлими;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрда қабул қилинган “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-59-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) 2-моддаси;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 3 сентябрда қабул қилинган “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига ва “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-253-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 333-модда) 1-моддаси;

8) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-352-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда) 2-моддаси;

9) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-373-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 244-модда) 1-моддаси;

10) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 11 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-381-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 12, 343-модда) 2-моддаси.

41-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳуқумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органларининг ушбу Қонунга зид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

42-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киридади.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

Тошкент шаҳри,
2015 йил 26 август.
№ ЎРҚ-393.

И. КАРИМОВ.

Новости

НОВОЕ ЗДАНИЕ БОЛЬНИЦЫ НА СЛУЖБЕ ЗДОРОВЬЯ

Накануне 24-летия независимости нашей Родины в ауле Кипчок Амударьинского района Республики Каракалпакстан после капитального ремонта сдано в эксплуатацию здание сельской больницы.

На мероприятии выступил Председатель Совета Министров Республики Каракалпакстан Б.Янгибоев, который отметил, что под руководством Президента страны особое внимание уделяется охране здоровья населения, в частности, материнства и детства, укреплению материально-тех-

нической базы медицинских учреждений.

В здании больницы, которая обрела совершенно новый облик, осуществлены строительные-ремонтные работы более чем на 2 миллиарда 400 миллионов сумов, она оснащена современным медицинским оборудованием.

– После капитального ремонта наша больница приобрела современный облик, – говорит врач Гулора Абдуллаева. – В просторных и комфортных помещениях созданы все условия как для врачей, так и для пациентов. Благодаря современным медицинским аппаратам повысилась эффективность диагностики, лечебной и профилактической работы.

Аминбай АРТЫКБАЕВ,
(УЗА).



Мероприятие

МЕДИКО-СОЦИАЛЬНАЯ АКЦИЯ

В махалле Журжоний Учтепинского района столицы состоялась оздоровительная акция. Мероприятие было организовано международным благотворительным фондом "Соғлом авлод учун" и Министерством здравоохранения Республики Узбекистан совместно с другими организациями.

Охрана здоровья населения, материнства и детства, формирование в семьях здорового образа жизни, повышение качества и эффективности оказываемой населению медико-профилактической помощи являются важным направлением социальных реформ, проводимых под руководством Президента Ислама Каримова.

В рамках постановления главы нашего государства "О Государственной программе по дальнейшему укреплению репродуктивного здоровья населения, охране здоровья матерей, детей и подростков в Узбекистане на период с 2014-2018 годы" от 1 августа 2014 года и Государственной программы "Год внимания и заботы о старшем поколе-

нии" расширяется масштаб этой работы.

Крупные медико-социальные проекты реализуются международным благотворительным фондом "Соғлом авлод учун" совместно с соответствующими организациями.

В организации акции большую помощь специалистам медико-социального центра фонда оказали врачи расположенной на территории семейной поликлиники №23. Медицинским осмотром было охвачено все население махалли, в частности, пожилые люди, члены малообеспечен-

ных семей, женщины фертильного возраста, дети, подростки.

В ходе медицинского осмотра также проводилась разъяснительная работа по вопросам сохранения репродуктивного здоровья, предотвращения проблем негативно воздействующих на рождение здорового ребенка, повышения медицинской культуры в семьях, здорового питания, аспектов, на которые необходимо обращать внимание при оказании патронажной помощи пожилым людям. Малообеспеченным семьям бесплатно предоставили лекарственные средства.

– Мне восемьдесят лет, – говорит Карим-ота Салимов. – Я своевременно прохожу медицинский осмотр и полностью соблюдаю советы врачей. Мероприятия, проводимые накануне 24-летия независимости нашей Родины, являются результатом проводимых под руководством Президента нашей страны реформ, направленных на защиту интересов человека, царящих в обществе мира, согласия и благополучия.

Бахор ХИДИРОВА,
(УЗА).

Конспект врача

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ФИТОПРЕПАРАТОВ ПРИ ЛЕЧЕНИИ ЛОР-ЗАБОЛЕВАНИЙ

Инфекции верхних дыхательных путей (ВДП) являются самыми распространенными заболеваниями человека. Основная нагрузка в лечении респираторных инфекций: фарингитов, ларингитов и ангины ложится на врачей общего профиля. Для них в условиях современного фармацевтического рынка выбор оптимального препарата далеко не всегда является легким.

Этот выбор должен быть эмпирическим, основанным на знании наиболее типичных возбудителей конкретных нозологических форм. Системное назначение антибиотиков при инфекциях ВДП зачастую не имеет смысла из-за вирусной либо иной этиологии заболевания. На выбор адекватной эмпирической терапии влияет растущее количество резистентных штаммов – основных возбудителей риносинуситов – *Streptococcus pneumoniae*, *Haemophilus influenzae* и *Moraxella catarrhalis*.

В случае острых воспалительных заболеваний глотки важнейшую роль при выборе антимикробной химиотерапии играет присутствие b-гемолитического стрептококка группы А (БГСА). Острый синусит является на протяжении многих десятилетий одним из наиболее распространенных заболе-

ваний среди ЛОР-патологии, а острый гайморит занимает первое место среди острых синуситов у взрослых.

Пусковым моментом в развитии острого синусита является острая респираторно-вирусная инфекция (ОРВИ). Наиболее актуальна проблема ОРВИ в педиатрической практике. Основными возбудителями ОРВИ в детском возрасте являются различные респираторные вирусы, на долю которых приходится 95 процентов всех острых инфекций верхних дыхательных путей. Наиболее часто эта группа возбудителей представлена вирусом гриппа, парагриппа, респираторно-синцициальным вирусом, аденовирусами и риновирусами.

Наиболее важным направлением в лечении катаральных и гнойных синуситов является секретолитическая терапия: муколитические, секретолитические и

секретомоторные препараты. В целом муколитические препараты изменяют физико-химические свойства секрета путем уменьшения его вязкости. Они улучшают эвакуацию слизи путем изменения характера секрета, стимулируют функцию бокаловидных клеток (эфирные масла растительного происхождения, экстракты растений, производные креозота).

Антибиотикотерапия при острых инфекционных заболеваниях дыхательных путей показана лишь в отдельных случаях, когда пациент ослаблен, при наличии хронического обструктивного заболевания дыхательных путей или в случае снижения иммунитета.

Таким образом, алгоритм терапевтического лечения катаральных синуситов предполагает разгрузочную, местную противовоспалительную и антибактериальную терапию, назначение препаратов с секретолитическими свойствами. При гнойных синуситах целесообразно применять разгрузочную и секретолитическую терапию с обязательным включением в схему лечения системной антибакте-

риальной и противовоспалительной терапии.

Еще одним из самых распространенных заболеваний в педиатрической практике является хронический тонзиллит. Среди специалистов имеются различные мнения о способах лечения острых и фоновых тонзилитов. В осложненных случаях и при нарушении трудоспособности, как правило, показано оперативное вмешательство. Антибактериальная терапия у больных хроническим тонзиллитом носит эмпирический характер в силу необходимости принятия быстрого решения о выборе антибиотика и из-за длительности процесса идентификации возбудителя. В настоящее время выбор антибактериального препарата для лечения тонзиллита затрудняется не только возрастающим уровнем антибиотикорезистентности, но и значительной склонностью пациентов к аллергическим реакциям на антибиотики. Таким образом, имеется значительный круг пациентов, к которым могут быть применены консервативные методы лечения. При решении данной проблемы неоценимую помощь вра-

чу могут оказать иммуностимулирующие препараты последнего поколения на растительной основе.

Исследования показали, что изменения в иммунном статусе после лечения подобными препаратами были стойкими и коррелировали с изменениями в течении заболевания и через год после прекращения применения препарата. Кроме того, подобные препараты в ряде случаев могут быть альтернативой тонзиллэктомии.

Хотелось бы подчеркнуть, что к преимуществам препаратов растительного происхождения можно отнести мягкое терапевтическое действие, низкую токсичность, способность комплексно влиять на различные звенья патологического процесса, а также возможность длительного применения в различных возрастных группах. Вот почему сегодня, в лечении ЛОР-заболеваний фитопрепараты выходят все чаще на первый план и полностью оправдывают себя.

Х. ШАЙХОВА,
Ташкентская
медицинская академия.

Есть на свете такая благородная профессия, обладатели которой считают своей самой главной целью охрану здоровья людей день и ночь. Это несомненно – врачи. Порой, когда пошаливает здоровье, тебе плохо и ничего не радует ты обращаешься к врачу с надеждой на исцеление. Как только врач скажет тебе пару добрых слов, ты будто выздоравливаешь, плохие мысли по-

кидают. Вот что значит сила слова и умение работать с пациентом.

Вот уже на протяжении нескольких лет болезнь часто дает о себе знать. Я инвалид 2-ой группы. Очень часто по состоянию здоровья приходится ло-

Благодарность

Спасибо за заботу и участие

житься на лечение во 2-городскую клиническую больницу. В начале этого года я в очередной раз пролечилась в данном медицинском учреждении. Было очень приятно увидеть результаты работ, проведенных по благоустройству территории боль-

ницы, интерьер здания тоже изменился. И вся эта обстановка, конечно же, положительно влияет на работу всего коллектива. Врачи и средний медицинский персонал делают все, чтобы пациентам было хорошо. Ведь позитивный настрой благоприятно

влияет на быстрое исцеление. Я думаю, что во главе всех этих изменений стоит преданность главного врача своему делу.

Подводя итог, хотелось бы поблагодарить главного врача А. Рахимова и в его лице весь персонал больницы за их кропотливый труд. Желаю процветания большому коллективу и всех благ.

Я. РУЗИЕВА,
г. Ташкент.

Соғломлаштириш акцияси

**ЭЪТИБОР ВА
ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ**

Эътироф этиш жоизки, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси томонидан мунтазам равишда турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Албатта, бу каби хайрли ва эзгу ишлар фарзандларимиз саломатлиги ва уларнинг интеллектуал салоҳияти, қолаверса мамлакатимизда оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Истиклолимизнинг 24 йиллик шодиёналари арафасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб соғломлаштириш акцияси бўлиб ўтди.



бидан имтиёзли, 67825 нафари эса хўжалик ҳисобидаги пуллик хизмат бўйича даволандилар. Шунингдек, марказларда 1346 та операция юқори технологиялар асосида амалга оширилди, – дейди **Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситнова.**

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 1 августдаги “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги Қарорида фарзанд кўриш ёшидаги аёлларда репродуктив саломатлик профилактикаси, болалар хасталиклари диагностикаси борасида қатор муҳим вазифалар белгиланган. Мазкур қарор ижроси бўйича юқорида таъкидлаб ўтилган хайрия байрами Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олмазор тумани кенгаши

– Юқоридаги фикрларимиз тасдиғи сифатида айтишимиз жоизки, мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самардорлигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, замон талабларига мос малакали тиббий кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аслида ҳам ҳар қандай давлатнинг энг катта бойлиги, бу унинг жисмонан соғлом, маънан бой аҳолиси ҳисобланади. Дарҳақиқат, юртимизда замонавий диагностика ва даволаш усқуналари билан жиҳозланган аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиб келаёт-



ган 10 та ихтисослаштирилган тиббиёт марказининг бугунги фаолияти, шунингдек, тизимда 2958 та қишлоқ врачлик пункти ҳамда 108 та оилавий поликлиникада 10 минг нафар оилавий шифокорлар ва 20 мингдан ортиқ патронаж ҳамшираларининг бирламчи тиб-

бий санитария ёрдамни янада ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаларини алоҳида эътироф этиш жоиздир. Ўтган йили республика ихтисослаштирилган ва илмий-амалий тиббиёт марказларида 98119 нафар бемор даволаниб чиқди. Уларнинг 30290 нафари давлат бюджети ҳисо-

билан ҳамкорликда ташкил этилган бўлиб, мазкур акция доирасида хотин-қизлар, алоҳида эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Олмазор туманидаги “Фунчамед” тиббий диагностика марказида ташкил этилган хайрия акциясида аёллар, қизлар, гўдақлар тиббиётнинг турли йўналишлари бўйича юқори технологияли тиббий кўриқдан ўтказилиб, зарур ҳолларда уларга шифокорлар маслаҳати ва муолажаси таъинланди.

Акция доирасида алоҳида эҳтиёжманд оилалар ва килларига пойтахтимиздаги етакчи тиббиёт марказлари, клиникаларда имтиёзли даволаниш учун йўланмалар берилди.

Ибодат СОАТОВА.
Муаллиф олган суратлар.

**ТАЪЛИМ
МАСКАНЛАРИДА
ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ
БОШЛАНДИ**

Истиқлол йилларида 1500 дан ортиқ касб-хунар коллежи ва лицей барпо этилди. Шаҳару чекка қишлоқларда қад ростлаган ана шундай таълим даргоҳларида бугун ёшларимиз замонавий билимларни ўзлаштириш, касб-хунарга эга бўлиш билан бирга, компьютер ва ахборот технологияларини, хорижий тилларни ҳам пухта ўрганмоқда.

Бугун ёшлар лицей ва коллежларни тамомлагач, олий ўқув юртига кириш, танлаган мутахассислиги бўйича таълимни давом эттириш учун барча шарт-шароитга эга.

Давлатимиз раҳбарининг Қарори билан тасдиқланган “2011-2016 йилларга мўлжалланган олий таълим муассасаларининг



моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш дастури” мамлакатимиз таълим тизимини янада ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Дастурга мувофиқ, олий ўқув юрти бинолари янгидан қурилмоқда ёки реконструкция қилиниб, замонавий жиҳозланмоқда.

Мустақиллик дарслари самардорлигини таъминлаш мақсадида ўн мингдан ортиқ малакали профессор-ўқитувчи, таникли олимлар, соҳа мутахассислари жалб қилинди. Ушбу дарсларда “Мустақиллик” деб аталмиш буюк неъмат халқимиз учун миллий давлатчилигимизни, ўзлимиз, инсоний ҳақ-ҳуқуқ ва кадр-қимматимизни тиклаш, урф-одат ва анъаналаримизни, буюк аجدодларимизнинг табаррук номларини улуғлаш, соғлом ва баркамол янги авлодни шакллантириш бўйича илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган беқиёс имкониятлар очиб берганини ёш авлод шуурига таъсирчан услуб ва шаклларида етказиш, уларнинг кадр-қимматини чуқур англатишга алоҳида эътибор қаратилди.

“Бетакоримсан, яғонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!” шиори остида “Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?” мавзусида ўтказилган дарсларда ўқувчиларга истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган беқиёс ислохотларнинг моҳияти, улар туфайли иқтисодимиз салоҳияти ва қудрати кун сайин юксалиб бораётгани, эришилган ютуқ ва марраларимиз дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётгани, юртимиздаги тинч-осуда ҳаёт, жамиятимизда кузатилаётган барқарорлик ва бағрикенглик муҳитининг барқарорлиги аниқ ми-соллар билан батафсил тушунтирилди.

Мамлакатимизда барча соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг маъно-мазмуни, танлаган тараққиёт йўли-миз, янги демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш борасида эришаётган ютуқ ва марраларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини ёшларга чуқур сингдиришга қаратилган сабоқлар маънавият тарғиботчилари ва соҳа мутахассислари иштирокида таълим муассасаларида ташкил қилинадиган “Маънавият соатлари”да давом этади.

Жорий йилда мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг биринчи синфига 631 мингдан зиёд ўғил-қиз қабул қилинди. Ўқув йилининг дастлабки кунда уларга аънаанага кўра, 12 номдаги ўқув анжуми, дарслик ҳамда ўқувчи сумкаси билан иборат Президентимиз совғалари тантанали равишда топширилди.

Намоз ТОЛИПОВ.
Мақола ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.
(Давоми. Боши 1-бетда).

Газета
муассиси:
**Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги**

Бош муҳаррир **Асилбек ХУДАЯРОВ**
Нашр учун масъул:
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истиклол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 4563 нусха.
Буюртма Г-958.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи **Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.**

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

